

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАТОВ ДИЛМУРАД НАРМУРАТОВИЧ

**ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТАЪЛИМ МУҲИТИДА КАСБИЙ ТАЪЛИМ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ**

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2017

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
science**

Маматов Дилмурад Нармуратович

Электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини педагогик
лойиҳалаштириш3

Маматов Дилмурад Нармуратович

Педагогическое проектирование процессов профессионального образования в
электронной информационно-образовательной среде23

Mamatov Dilmurad Narmuratovich

Pedagogical design of the professional education processes in the electronic
information and educational environment.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАТОВ ДИЛМУРАД НАРМУРАТОВИЧ

**ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТАЪЛИМ МУҲИТИДА КАСБИЙ ТАЪЛИМ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ**

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2017

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Ped.95 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки (ўзбек, рус) тилда (www.tdpu.uz) веб-саҳифаси ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz манзилида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бегимкулов Узоқбой Шоимкулович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тайлаков Норбек Исакулович
педагогика фанлари доктори, профессор

Кодиров Рафик Хусанович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Бухоро муҳандислик-технология
институту**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил “___” _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2017 йил “___” _____куни тарқатилди.

(2017 йил “___” _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.С.Шарипов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доц.

Б.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси
п.ф.д., проф.

Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибасида педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнига ҳамкорликда ўқитиш, тизимли ёндашув асосида таълимни ташкил этиш, педагог кадрларнинг замонавий технологик билимларини кенгайтириш, ахборот технологиялари (оптик эффектлар, 3D-таълим заллари) асосида лойиҳалаш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш, киберпедагогика, масофавий таълим шакллари кенг татбиқ этиш; очиқ таълим ресурслари, аралаш таълим (online./offline) технологияларини ривожлантиришда педагогик лойиҳалаштириш технологияларидан фойдаланиш долзарб муаммо сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимини халқаро таълим стандартлари билан уйғунлаштириб, олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифати ҳамда рақобатбардошлигини таъминлаш, жаҳон амалиётига асосланган олий таълим тизимининг сифат даражасини ошириш, узлуксиз таълим тизимида педагогик лойиҳалаштириш жараёнини кенг татбиқ этиш орқали илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали методларини ишлаб чиқиш устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш бўйича ишларни амалга ошириш орқали уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни кўриш устувор вазифалардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган¹.

Ўзбекистонда хорижий таълим тажрибалари асосида эришилган ижобий натижаларни умумлаштириш ва ривожлантириш, касбий таълим соҳалари бўйича таълимнинг ягона ахборот-таълим порталларини шакллантириш, фанларнинг ягона ахборот-методик таъминотини яратиш имконини берадиган фан порталларини яратиш, ахборот ресурсларидан касбий таълим жараёнида фойдаланиш методикаларини ишлаб чиқиш, олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, воситалари билан жиҳозлаш, талабалар, ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг жаҳон таълим ресурслари, замонавий ахборот ресурс марказлари маълумотлар базаларига кириш имкониятларини кенгайтириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги ПҚ-1761-сонли «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда.

сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармойиши ва 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши ва ҳаётга татбиқ этилишига мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари АЛ-1 – Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи, таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги, баркамол авлодни тарбиялаш масалаларини тадқиқ қилиш, ИТД-5 – Жамиятни ахборотлаштириш даражасини оширишга йўналтирилган илмий ҳажмдор ахборот технологияларини, телекоммуникацион тармоқларни, аппарат-дастурий воситаларни интеллектуал бошқариш, ўқитиш усулларини ва тизимларини ишлаб чиқиш дастурларига боғлиқ ҳолда амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, мамлакатимиз ҳаётида янги босқични бошлаб берган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, мамлакатимиз таълим тизими ривожланишининг асосий ғоялари мазкур тадқиқотга илмий методологик асос бўлди.

Республикада ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этиш бўйича тадқиқотлар А.А.Абдуқодиров, А.Х.Абдуллаев, М.Арипов, Б.Бегалов, У.Бегимқулов, Ф.Закирова, Қ.Олимов, Н.И.Тайлақов, Л.Н.Шибаршова, С.С.Ғуломов, У.Юлдашев каби тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган.

Касбий таълим бўйича педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муаммолари бўйича Н.Н.Азизходжаева, Б.С.Абдуллаева, Б.Адизов, Р.Х.Джураев, М.Джораев, У.Иноятов, Р.Г.Исянов, З.К.Исмолова, Ш.Э.Қурбанов, Ш.Мардонов, Н.А.Муслимов, О.Мусурмонова, У.Нишоналиев, Б.Х.Рахимов, Х.Ф.Рашидов, Ў.Қ.Толипов, А.Р.Ходжабоев, М.Ҳакимова, Ш.С.Шарипов, Ғ.Шоумаров, М.Уразова, Ш.Э.Қурбонов, М.Юлдашев ва бошқ. илмий тадқиқот ишларини олиб борган.

Касбий таълим бўйича педагог кадрлар тайёрлаш муаммоси МДХ олимларидан Е.П.Белозеров, М.П.Лапчик, А.И.Фрадков, Г.П.Чепуренко, Р.С.Сафин, Т.А.Дуйсенбаев, П.К.Ализода ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича таҳлил қилинган.

Хорижий мамлакатларда ахборот-коммуникация технологияларини таълимда жорий этиш бўйича тадқиқотлар W.N.Chambers, E.L.Cowen, U.Mangal, E.Johnson, J.M.Spector, J.Locard, F.Raymond, M.Rosenberg, D.Kegan, G.Kulanthavel томонидан олиб борилмоқда.

Назарий манбалар мазмуни билан танишиш, касбий таълим йўналишлари бўйича педагог кадрлар тайёрлаш жараёнларини ўрганиш ва

педагогик амалиётни таҳлил этиш электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш муаммосининг долзарблиги, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида касбий таълим жараёнлари мазмуни ва методларини такомиллаштиришнинг етарлича илмий асосланмаганлиги ҳамда педагогик жиҳатдан тўлиқ тадқиқ қилинмаганлиги ечимини кутаётган бир қатор муаммолар манбаси бўлиб қолаётганлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент давлат педагогика университетининг «Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг касбий, педагогик ва маънавий-маърифий соҳалар бўйича босқичма-босқич малака ошириш технологияларини ишлаб чиқиш» (ИТД-4-134, 2009-2011) ҳамда «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида махсус фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини электрон ўқув-методик материаллар орқали ривожлантириш» (ЁА1-ОТ-О-16695 ЁА1-4, 2014-2015) мавзусидаги илмий амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади электрон ахборот-таълим муҳитида олий таълим муассасаларида касбий таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш босқичларини аниқлаш;

электрон ахборот таълим муҳитининг касбий таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган дидактик имкониятларини такомиллаштириш;

электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш моделини ишлаб чиқиш;

электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини ташкил этишга хизмат қилувчи дастурий ва методик таъминотни яратиш;

касбий таълим йўналишлари талабаларининг малакавий амалиётини ташкил этишнинг инновацион шаклларини ишлаб чиқиш ва электрон ахборот таълим муҳити шароитида татбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълимни педагогик лойиҳалаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштиришнинг мазмуни, шакл ва методлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзуга оид фалсафий, социологик, психологик-педагогик адабиётларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш, ижтимоий-педагогик (кузатиш, суҳбат, ташхислаш, сўровнома, тест), тажриба-синов, мониторинг натижаларини математик ва статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги:

электрон ахборот таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришни таъминлашда педагогик лойиҳалаштиришнинг ихтирочилик, моделлаштириш ва эксперимент каби компонентлари имкониятлари аниқлаштирилган ва жорий этилган;

электрон ахборот таълим муҳитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг компетентлик даражаси, уларнинг профессионал тайёргарлиги сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган педагогик лойиҳалаштириш модели ишлаб чиқилган;

электрон ахборот таълим муҳитида педагогик лойиҳалаштириш асосида касбий таълим жараёнларининг замонавий ахборот-методик таъминотини амалга ошириш имкониятларини жорий этишга қаратилган дастурий таъминот ва очик таълим ресурслари ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш механизми сифатида малакавий педагогик амалиётни ташкил этишнинг инновацион шакллари, электрон ўқув-услугий мажмуалар, электрон қўлланмалар таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тавсиялар ҳамда касбий таълим жараёни мазмуни ва методларини такомиллаштириш бўйича дастурий ва методик таъминот ишлаб чиқилган;

тадқиқотнинг назарий ғоялари ва амалий ишланмаларидан касбий таълим жараёнларини ахборотлаштириш, мазмунини такомиллаштириш, ўқув режалари, ўқув дастурлари, дарсликлар, методик қўлланмаларни яратиш, касбий таълим йўналишлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш бўйича илмий-методик тавсия берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи, ўқув фанлари, жамият ва табиат ҳодисаларини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазибаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти касбий таълим жараёнлари мазмуни ва методларини такомиллаштиришнинг педагогик омиллари асосланганлиги; касбий таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш модели ишлаб чиқилганлиги, талабаларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, касбий таълим жараёнларини ахборот-коммуникация

технологиялари асосида амалга оширишнинг дастурий таъминоти яратилганлиги, лойиҳалаштириш орқали касбий таълим жараёнини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишлари белгилаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти касбий таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш, касбий таълим жараёнларини ахборотлаштириш, мазмунини такомиллаштириш, ўқув режалари, ўқув дастурлари, дарсликлар, методик қўлланмалар яратиш, касбий таълим йўналишлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги, олинган лойиҳалаштиришга оид натижалар “Гидравлика ва гидравлика жиҳозлари” фанидан ўқув қўлланма яратишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Электрон ахборот таълим муҳиtida касбий таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалари:

электрон ахборот таълим муҳиtida таълим жараёнини педагогик лойиҳалаштириш, таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларни танлаш компетенциялар тизими бакалаврият йўналишлари Давлат таълим стандарти (12.08.14 да «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган №1-2570) мазмунига сингдирилган. Мазкур компетенциялар тизими олий таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштирилган ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишга хизмат қилган;

назарий ва амалий ишланмалар электрон мультимедиали дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган олий таълим муассасалари таълим жараёнига татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 30 июндаги 87-03-1238 сонли маълумотномаси). Малакавий педагогик амалиётни ташкил этишнинг инновацион шакллари, электрон ўқув-услугий мажмуалар, электрон қўлланмалар бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш механизми сифатида хизмат қилган;

олинган лойиҳалаштиришга оид илмий натижалар “Гидравлика ва гидравлика жиҳозлари” фанидан ўқув қўлланма яратишда фойдаланилган. (UO’K:626/627(075), KBK:30.123, I-85; ISBN 978-9943-4092-48).

ўрта махсус, касб-хунар таълимида махсус фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини электрон ўқув-методик материаллар орқали ривожлантириш, электрон ўқув-методик мажмуани шакллантириш ва амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялардан ЁА1-ОТ-О-16695 ЁА1-4 “Ўрта махсус, касб-хунар таълимида махсус фан ўқитувчиларининг касбий компетентлигини электрон ўқув-методик материаллар орқали ривожлантириш” мавзусидаги давлат илмий-техник дастури доирасида 2014-2015 йилларга мўлжалланган ёш олимлар амалий тадқиқотлари лойиҳасида фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2017 йил 4-сентябрдаги 02-07-2522/04 сонли маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 14 та республика анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (5 та республика ва 5 та хорижий журналда) чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, диссертация тадқиқотининг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Касбий таълим жараёнлари мазмуни ва методларини такомиллаштиришнинг илмий назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида касбий таълим жараёни мазмуни ва методларини такомиллаштиришнинг педагогик асослари тавсифлаб берилган.

Бўлажак касбий таълим ўқитувчисини тайёрлаш мазмунини янгилаш касб-ҳунар коллежларида тайёрланаётган кичик мутахассислар сифат даражасини таъминлашга масъул бўлган педагог кадрларнинг билим ва касбий малакалари даражасини юқори босқичга кўтаришга қаратилган бўлиб, уларнинг шахсий ва касбий сифатларини шакллантириш жараёнини инновацион усулларда ташкил этиш катта аҳамият касб этади. Электрон ахборот таълим муҳитида касб таълими жараёнини лойиҳалаш ана шундай инновацион усуллардан бири ҳисобланади. Инновацион педагогик лойиҳалаштириш концепцияси ўзида тизимли, фаолиятли ва инфорацион ёндашувлар ғояларига асосланган назарий-методологик ва методологик-технологик билимлар тизимини намоён этади. Т.К.Смиковская томонидан таклиф этилган педагогик концепция, асосий компонентлар сифатида, педагогнинг методик тизимини лойиҳалаштириш тамойиллари ва босқичлари, ўқитишга қўйиладиган дидактик талабларни ўзида мажассамлаштиради.

Таълим соҳасида лойиҳалаштириш методини қўллаш 1990-йилларнинг иккинчи ярмида таълимни стандартлаштириш ғояларининг ривожланиши

билан боғлиқ ҳолда фаоллашди. Лойиҳалаштириш ғоялари педагогик тизимлар, таълим муҳити, шахс, таълим ва тарбия мазмуни, шахс ривожланишининг тахмин қилинадиган натижалари даражаларида тарқалди. Янги ўқув режаларида бўлажак мутахассисларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш мақсадида касбий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашга устувор аҳамият берилган, махсус ва умумкасбий фанларни замонавий педагогик ва ахборот технологиялари воситасида ўқитишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса касбий таълим жараёнларини лойиҳалаш мазмуни ва методологик асосларини аниқ белгилашни тақозо этади. Ўқитиш мазмунини белгилашда икки асосий стратегияга таяниш мумкин: 1) бўлажак мутахассислар шахсини шакллантиришга йўналтирилган таълим стратегияси; 2) бўлажак мутахассисларни касбий шакллантиришга йўналтирилган таълим стратегияси. Бўлажак мутахассисларни касбий шакллантиришга йўналтирилган таълим стратегияси мутахассиснинг аниқ касбий фаолиятини таҳлил қилишга таянади. Бундай лойиҳалашнинг афзаллиги шундаки, таълим мазмуни мутахассис тайёрлашга қўйилаётган талабларга қатъий мос келади, бу эса, шак-шубҳасиз, мутахассислар тайёрлаш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Н.А.Алексеев, В.С.Безрукова, Г.М.Муравьеванинг тадқиқотларида лойиҳалаш жараён сифатида меъёрий ва ижодий характерга эга экани таъкидланади. Бир томондан, лойиҳалаш жараёни меъёрланган, ўз босқичлари, амалга ошириш тамойиллари ва усулларига эга. Бошқа томондан, педагогнинг ижодий қадриятли йўналганлигига таянади. К.А.Зайиров бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида конструкторлик-технологик билим ва малакаларни компьютер техникасини қўллаш асосида шакллантиришнинг политехник асосларини, Ш.С.Шарипов эса бўлажак касб таълими ва меҳнат таълими ўқитувчилари-талабаларни ихтирочилик фаолиятига тайёрлашнинг илмий педагогик асосларини ишлаб чиққан. А.Р.Ходжабоев томонидан бажарилган тадқиқот ишида меҳнат ва касб таълими ўқитувчисининг ўқув-методик таъминотининг педагогик асослари назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган, уларни амалиётда қўллаш йўллари кўрсатиб берилган.

Касб таълими ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш муаммоси таниқли педагог В.А.Скакун томонидан тадқиқ этилган. Педагог олим В.М.Блиновнинг фикрича, таълим-тарбия ишларида юқори самарадорликка эришиш талабаларнинг индивидуал қобилиятлари, лаёқатларини эътиборга олиб табақалаштирилган топшириқлар беришни тақозо этади.

Касбий таълим жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилувчи қуйидаги масалаларга эътибор қаратишга зарурият мавжуд, деб ҳисоблаймиз: эришилган ижобий натижаларни умумлаштириш ва ривожлантириш асосида касбий таълим соҳалари бўйича таълимнинг ягона ахборот-таълим порталларини яратиш; касбий таълим тизимида умумкасбий фанларнинг ягона ахборот-методик таъминотини амалга ошириш имкониятини берувчи фан порталларини яратиш; ахборот-таълим портали ресурсларидан касб таълим жараёнида фойдаланиш методикаларини ишлаб чиқиш.

Электрон ахборот таълим муҳитида педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш соф педагогик масала бўлиб қолмасдан, балки ўқув жараёнларининг илмий-методик, ташкилий ва педагогик имкониятларини тизимли ёндашув асосида такомиллаштириб бориш ва тартибга солишни талаб этади.

Электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш қуйидаги типологик белгиларга кўра тавсифланиши мумкин:

1. Электрон ахборот таълим муҳитида педагогик лойиҳалаштириш тизимлилиқ табиатиға эға бўлган мураккаб тузилмали объект ҳисобланади.

2. Педагогик лойиҳалаштириш жараёнлари яхлитлиги тизимлилиққа эришиш тушунчаси билан бир маънони, уларнинг уйғунлигини англадиб, бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий компетентлигини ривожлантириш мақсадларини ўзида мужассамлаштиради.

3. Электрон ахборот таълим муҳити касбий таълим жараёнлари сифати ва самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омил бўлиши билан бирға унинг воситаси ҳамдир.

Фикримизча, электрон ахборот таълим муҳитида педагогик лойиҳалаштириш аниқ бир мақсадға йўналтирилган ўқув жараёнини таъминловчи дастурий, ахборот-техник, ўқув-методик тизимлар мажмуасидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг самарадорлиги юқори бўлиши учун электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш тадқиқотимизнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

«Электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш мазмуни» номли иккинчи бобда умумкасбий фанларни ўрганишда электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини лойиҳалашнинг педагогик шартлари, касбий таълим бўйича электрон таълим муҳитини шакллантириш босқичлари, касбий таълим жараёнларини лойиҳалаштириш модели кўриб чиқилган.

Педагог олимларнинг фикрича, таълим парадигмалари алмашаётган ҳозирги вақтда лойиҳалаш-дастурлаш борасида илмий қарашлар шаклланмоқда. Унинг асосини ишлаб чиқиш, шакллантириш ва яратиш билан характерланадиган, таълим тизимлари амалиётида ҳали мавжуд бўлмаган лойиҳалаштириш ва дастурлаш фаолияти ташкил этади. Бунда мавжудларидан фарқ қиладиган, принципиал янги таълим тизимлари ва уларнинг фрагментларини илмий асослаш ва конструктив ишлаб чиқиш таъминланади. Ҳозирги шароитда ўқитувчи фаолиятининг сифати унинг педагогик лойиҳалаштириш кўникмаларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бундан келиб чиқадики, педагогик лойиҳалаштириш моҳиятини аниқ ва равшан тушуниб олиш ва уни педагогик инноватика қонуниятлари ва тамойилларини ҳисобға олган ҳолда амалға ошириш талаб этилади. Педагогик лойиҳалаштиришнинг инновацион лойиҳаларни яратиш босқичи сифатида тадқиқотчилар қуйидаги ғояларға таяниб иш тутуди:

1. Педагогик лойиҳалаштириш таълим жараёниға киритиладиган инновацияларни янада сифатли тайёрлашға хизмат қилади.


2. Педагогик лойиҳалаштириш бошқариладиган жараён бўлиб, унинг асосини педагогнинг ижоди ташкил қилади ва у мураккаб ички тузилмага эга бўлган тизимдир.

3. Педагогик лойиҳалаштириш вариатив характерга эга бўлиб, лойиҳалаштирилган объект ва педагог ўртасида экспериментал ҳаракатлар орқали амалга ошириладиган қайтар (акс) алоқа бўлишини назарда тутади.

4. Педагогик лойиҳалаштириш самарадорлигига ташқи муҳит катта таъсир кўрсатади.

Педагогик лойиҳалаштириш объектлари сифатида педагогик ва ўқув фаолиятининг инновацион методлари ва усуллари, педагогик технологиялар, таълимнинг янги технологиялари ва ташкилий-педагогик жараёнларни қараш мумкин.

Лойиҳалаштириш фаолияти методологиясининг асосини лойиҳалаштириш технологияси, унинг мантиқийлиги ва босқичлилиги ташкил этади. Ихтиёрий педагогик лойиҳани ишлаб чиқиш ана шу жараённи аниқ англаган ҳолда ташкил қилиш, ишларнинг мантиқий амалга оширилишини талаб этади ва уни умумлаштирилган ҳолда қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Лойиҳалаштиришнинг умумий таърифига мувофиқ, педагогик лойиҳалаштиришни фаолият сифатида қуйидагича таърифлаш мумкин:

- самарали таълим жараёнлари ва педагогик фаолият турларини ишлаб чиқиш мақсадида амалий йўналтирилган фаолият;

- замонавий билимнинг ривожланаётган янги соҳаси, педагогик воқеликни талқин қилиш услуги;

- педагогиканинг замонавий тизимларини ривожлантириш, ўзгартириш, такомиллаштиришга оид масалаларни ҳал қилиш ва мавжуд педагогик зиддиятли ҳолатларни бартараф этишга йўналтирилган илмий амалий йўналиши ва ташкил этиладиган амалий фаолият шакли.

Касбий таълим жараёнларига илғор педагогик ва ахборот технологияларини педагогик лойиҳалаштириш орқали татбиқ этишда асосий вазифалар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- янги ахборот технологияларини касбий таълим жараёнига татбиқ этишнинг зарурий моддий-техник базасини яратиш;

- касбий таълим жараёни учун замонавий ахборот технологияларини лойиҳалаш ва қўллаш;

- бўлажак ўқитувчининг замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги билим ва кўникмаларини ривожлантириш;

- замонавий технологиялар асосида касбий таълим жараёнларини лойиҳалаб, самарадорликка эришиш.

Ишлаб чиқилган электрон таълим ресурсларини лойиҳалаш орқали касбий таълим жараёнида қўллашда қуйидагиларга таянган тизим таклиф этилди: касбий таълим мақсадига мослиги; ўқув фаолияти баёни;

ахборотларни тақдим этиш даражаси; манбанинг мазмуни ва тузилиши; кўриниши ва дизайни; кўшимча иллюстрация.

Электрон таълим ресурсларини лойиҳалаш ва яратиш жараёнини қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1. Электрон таълим ресурсларини лойиҳалаш ва яратиш концепциясини ишлаб чиқиш.

2. Лойиҳалаш.

3. Тақдим этиш шакллари ва ахборот блокларининг дизайни (интерфейс).

4. Таълим-тарбиявий ресурсларни жойлаштиришга тайёрлаш.

5. Тайёрланган ресурсларнинг тузилмавий элементларини тўлдириш.

6. Яратилган таълим-тарбия электрон ресурсларини тажрибада синаш.

7. Электрон ресурсларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш.

Касбий таълим тизимида электрон ресурсларни яратишда қуйидаги талаблар эътиборга олинади:

- ресурсларнинг тўлиқлиги, узвийлиги ва касбий таълим мазмунига мослиги;

- касбий таълим ўқув жараёнини индивидуаллаштириш;

- касбий таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини ҳисобга олиш;

- ресурсларда зарур бўлган ахборотларнинг тақдим этилиши;

- ресурсларни касбий таълим мазмунига мослаштириш ва янгилаб бориш;


- асосий блоklar ва улар орасидаги ўзаро алоқа усуллари таркибини аниқлаш.

Тадқиқот ишида таклиф этилаётган электрон ахборот таълим муҳитида касб таълими жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш модели² (1-расм) таълимни ахборотлаштириш шароитида замонавий касб таълими ўқитувчиси тайёрлашга қаратилган.

Таклиф этилган электрон ахборот таълим муҳитида касб таълими жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш модели тажриба-синов ишларида ўзининг ҳаётийлигини кўрсатди.

Касб таълими жараёнини лойиҳалаштиришда дастлаб унинг электрон ахборот таълим муҳитига эътибор қаратилди ва электрон ахборот таълим муҳитини шакллантириш мақсадида унинг босқичлари аниқланди, педагогик шарт-шароитлари, жорий этиш имкониятлари ўрганилди. Касб таълими жараёнини педагогик лойиҳалаштириш жараёни кўриб чиқилди. Электрон ахборот таълим муҳитида лойиҳалаштирилган касб таълими жараёнларини педагогик амалиётга татбиқ этиш имкониятлари аниқланди ва амалда жорий этилди.

² Муаллиф ишланмалари асосида тузилган



1-расм. Электрон ахборот таълим муҳитида касб таълими жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш модели.

«Электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини лойиҳалаштиришнинг дастурий ва методик таъминоти» деб номланган учинчи боб бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш мазмуни ва методлари, дастурий ва методик таъминотига бағишланган. Умумкасбий фанлардан электрон ўқув-методик мажмуа ва ахборот таълим ресурсларини яратиш, лаборатория ва амалий машғулотларнинг электрон шаклларини қўллаш методикаси ишлаб чиқиш, касбий таълим йўналиши талабаларининг малакавий амалиётини ташкил этишнинг инновацион методларини яратиш борасида сўз юритилган ва асослаб берилган.

Электрон ўқув-методик мажмуа замонавий ахборот технологиялари муҳитида ўқитишнинг дидактик, дастурий ва техник интерактив мажмуасидан ташкил топади. Электрон ўқув-методик мажмуалар анъанавий мажмуалардан фарқли ўлароқ, ўқитишнинг компьютер ва анъанавий технологиялари бирлиги сифатида намоён бўлади.

Замонавий ахборот технологиялари муҳитида электрон ўқув-методик мажмуанинг таълим воситаларига қуйидагилар киради: дарсликлар, ўқув қўлланмаларнинг электрон версиялари; мультимедиали ўргатувчи тизимлар; аудио ўқув-ахборот материаллари; видео ўқув-ахборот материаллари; виртуал лаборатория ишлари; тренажёрлар; маълумотлар ва билимлар базаси; электрон кутубхоналар; эксперт ўргатувчи тизимлар асосидаги ўқитиш воситалари; виртуал реаллик асосидаги ўқитиш воситалари.

Электрон дидактик материалларни яратишда дастлаб қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди. Электрон ўқув қўлланмаларнинг асосий мазмунини ёритиш ва уни изоҳлаш ҳамда қўшимча ўқув ахборотларини олиш учун гипермуружаатларнинг берилганлиги; ўқув материалларининг таркибий тузилмасини шакллантиришда модул тизимидан фойдаланилиш; мустақил таълимни ташкил этиш ва ўқув материалларини ўрганиш бўйича батафсил йўриқноманинг келтирилиши; назорат топшириқлари, ўз-ўзини текшириш саволлари, тест топшириқларининг мавжудлиги.

Электрон ўқув-методик мажмуалар ташкилий-методик, ахборот-ўргатувчи ва назорат қилувчи дидактик функционал блоklarдан ташкил топади. Мажмуанинг педагогик-психологик вазифалари ўқув материалларини гипермедиа муҳитида тақдим этиш, ўқувчилар билан ўқитувчилар орасидаги дидактик мулоқот ва таълим воситалари орқали амалга оширилади. Таълим мақсадларига эришишда педагогик дастурий воситалар: таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаш; талабанинг ўз ўқув фаолиятини ўзи назорат қилиши ва тўғри йўналтириши; компьютернинг ҳисоблаш имкониятларидан фойдаланиш туфайли ўқув вақтини тежаш; ўқув материалларини визуаллаштириш; ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш, уларни имитациялаштириш; талабаларнинг ўз-ўзини назорат қилиш имконияти; турли педагогик вазиятларда оптимал қарор қабул қилиш малакасини шакллантириш; фикрлашнинг аниқ бир шаклини (кўрғазмали-образли, назарий) ривожлантириш; касбий билимларни эгаллаш мотивларини кучайтириш; билиш фаолияти маданиятини шакллантириш имкониятларини яратади.

Электрон ўқув-методик мажмуа воситалари ва таълимнинг электрон ахборот таълим муҳити қуйидаги асосий талаб ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди: талабалар ва уларнинг ахборот муҳитидан фойдаланиш фаолиятини қайд этиш; педагоглар талабаларнинг мустақил фаолиятини маслаҳат йўли билан қўллаб-қувватлашини таъминлаш; талабаларга зарурий ўқув материалларини мустақил ўзлаштириш учун тавсия этиш; ўқув жараёнида талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни аниқлашни автоматлаштириш; электрон ўқув-методик мажмуа базасида талабаларга тавсия қилинган ўқув материаллари, кўшимча адабиёт ва бошқа воситалардан фойдаланиш учун таълим муассасаси ахборот ресурсларидан масофадан фойдаланиш имкониятини яратиш; виртуал лаборатория машғулотлари ва индивидуал (якка тартибдаги) амалий топшириқларни бажаришда кафедра ўқитувчиларининг масофавий маслаҳати, шунингдек, бошқа кўринишдаги ёрдамни ташкил қилиш.

Бу талабларни амалиётга жорий қилиш электрон ахборот таълим муҳитини яратиш ва фан бўйича ўқув-методик мажмуанинг шаклланганлик даражасига кўра, уни босқичма-босқич амалга ошириш имкониятини беради. Тадқиқот ишларимиз натижасида электрон ўқув-методик мажмуани шакллантириш ва амалиётга жорий этишнинг қуйидаги тўртта босқичи таклиф этилди.

Биринчи босқичда ўқув дастурлари, маъруза матнлари, назорат учун мўлжалланган саволлар, фаннинг мазмунини қамраб олувчи якуний назорат топшириқлари, лаборатория машғулотларининг рўйхати, баёни ва улар бўйича назорат саволлари, ўқув фани бўйича курс лойиҳалари, уларни бажаришга оид методик тавсияларнинг электрон версиялари ишлаб чиқилди.

Иккинчи босқичда яратилган ўқув-методик материалларни жойлаштириш учун дастурий платформа ишлаб чиқилди.

Учинчи босқичда фанлар бўйича электрон ўқув-методик мажмуа яратилиб, уни ўқитишнинг замонавий технологиялари воситасида ўзлаштириш имкониятлари таъминланди.

Тўртинчи босқичда талабанинг билиш фаолиятига мос бошқариш элементлари киритилди ҳамда ўқув жараёнининг якуни бўйича талаба билим, кўникма ва малакаларининг Давлат таълим стандартларига мослигини аниқловчи дастурий таъминот орқали назорат ва мониторинг тизими яратилди.

Электрон ахборот таълим муҳитида педагогик амалиёт талабаларни касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбиявий ишларга касбий педагогик ва психологик тайёрлаш, ижодий фикрлаш ва қобилиятларини ривожлантириш мақсадида ташкил этилади.

Педагогик амалиётга тайёрланиш, ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги тажрибалар бир қанча муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Педагогик амалиёт жараёнида талабалар кабий тайёргарлигининг шаклланганлик даражасини ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида “Талабалар малакавий амалиётини ташкил этиш ва бошқариш электрон тизими” номли ЭЎМ дастури ишлаб чиқилди.

Ушбу тизим қуйидаги компонентлардан иборат: малакавий амалиёт низоми; малакавий амалиёт бўйича методик тавсиянома; малакавий амалиёт ҳужжатлари; малакавий амалиёт майдончалари; топшириқлар; галерея; намунавий ҳисобот; қўшимча тавсиялар; кутубхона; муаллифлар.

Малакавий амалиётнинг бошланғич босқичида талабалар амалиёт низоми ва методик тавсиянома билан танишдилар. Касбий билимларини аниқлаш мақсадида педагогик амалиётга чиқишдан олдин талабаларнинг мутахассислик фанларидан, педагогика ва психология, ёш физиологияси ва гигиенаси фанларидан олган билимлари ҳамда педагогик компетентлиги шаклланганлик даражасини аниқлашга қаратилган педагогик муаммоли вазиятлар (матн ва электрон видеолар ҳал қилинишида) асосида синов ўтказилди. Натижа 100 балли баҳолаш мезони асосида баҳоланди. Амалиёт даврида бажариладиган топшириқлар ва шу талаб асосида тузиб чиқилган намунавий ҳисобот билан танишиш имконияти яратилди. Қўшимча тавсиялар бўлимида инновацион технологиялар асосидаги ўқув-методик мажмуалар билан танишиб, улардан ўз фаолиятида фойдаланди. Кутубхона бўлими мутахассислик фанларидан электрон адабиётлар мажмуасидан иборат. Галерея бўлими малакавий амалиётни ташкил этишга кўмакчи расмлар, видеороликлар, очик дарс ишланмалари, ўтказилган тадбирлар, ОАВ да чиқишлардан иборат. Малакавий амалиёт сўнгида талаба чиқиш назоратини топшириб, олган баллари кириш топшириғи натижасига солиштирилиб, касбий компетентлигининг шаклланганлик даражасини мустақил аниқлайди.

«Тажриба синов ишлари таҳлили» деб номланган тўртинчи бобда электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш самарадорлигини баҳолашда қўлланадиган диагностик мажмуа таҳлил этилган; қўлланган методика ва яратилган педагогик шарт-шароитнинг таълим натижасига таъсирини экспериментал ўрганиш натижалари баён қилинган.

Тажриба-синов ишлари Тошкент давлат педагогика университети, Фарғона политехника институти, Жиззах политехника институтида амалга оширилди.

Ўрганувчи тажриба-синов босқичи (2010-2012 йиллар)да касб таълими йўналишларида умумкасбий фанларни ўқитишнинг ҳолати таҳлил қилинди.

Таъкидловчи тажриба-синов босқичи (2012-2014 йиллар)да ишлаб чиқилган дастурий воситалар касб таълими йўналишлари ўқув жараёнида синаб кўрилди. Унинг учун қуйидаги ишлар амалга оширилди: тузилган режа асосида биринчи босқичдаги тажриба-синов ишлари давом эттирилди; тажриба-синов ишларини ўтказиш вақтида кузатиш натижаларига қараб, уларга тузатишлар киритилди ва бунда асосан тажриба-синов ишларининг мақсади, мазмуни уларни амалиётга жорий этиш методикасига катта эътибор берилди; тажриба-синов ишларидан олинаётган жорий ва оралик натижалар мунтазам равишда миқдор ва сифат жиҳатидан таҳлил қилиб борилди ва заруратга кўра айрим ўзгартиришлар киритилди; электрон ахборот таълим

муҳити касбий таълим жараёнлари педагогик лойиҳалаштирилди ҳамда улардан амалиётга жорий этишда фойдаланилди.

Тажриба-синов ишларининг иккинчи – ижро босқичида олий таълим муассасалари бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида умумкасбий фанларни ўқитишга замонавий ахборот технологияларини қўллаш бўйича ишлар олиб борилди.

Шакллантирувчи тажриба босқичи (2014-2016 йиллар)да талабаларнинг умумкасбий фанларни ўрганиш натижасида ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари даражаси аниқланди

